

Pearson BTEC Ўзбекистон 4-даража

Дастурий таъминот ишлаб чиқиш


соҳаси бўйича

Малакалар

5-модул: Веб-иловалар учун маълумотлар базасини
ишлаб чиқиш

Ўқитувчи Ресурслари

1-нашр



Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси

Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун qualifications.pearson.com сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз qualifications.pearson.com/contactus саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

Pearson ҳақида

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги етакчи таълимга оид компания. Ўқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида qualification.pearson.com сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).

Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.

ISBN 978 1 446 96378 4

Ушбу нашрдаги барча материаллар

© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади.

Мундарижа

Кириш	1
5-модул: Веб-иловалар учун маълумотлар базасини ишлаб чиқиш	3
Ўқув қўлланма	3
Иш схемаси	13
Дарс режаси	27

Кириш

Мазкур ресурс буклети ВТЕС Ўзбекистон 4-даража Дастурий таъминот ишлаб чиқиш соҳаси бўйича малакалар қўшимча ҳисобланади. Ресурс буклетида ўқитиш йўналиши ва баҳолаш предмети баён этилган. Ушбу йўриқномада сиз самарали ўқитиш ва баҳоланишга доир таклиф ва ғояларни топишингиз мумкин.

Ушбу буклет сизга таълим бериш ва ўқитиш учун ғояларни, жумладан амалий тадбирларни, реал сценарийларни, иш берувчиларни мустақил ўқитишни тақдим этиш ва бошқаришга жалб этишни ҳамда тестларга тайёргарлик усулларини таклиф этади. Шунингдек, буклет сизга спецификациянинг ўз ичига олган маълумотларни амалда қандай ишлаши мумкинлигини кўрсатади ва сизни малакангиздан фойдаланишнинг турли усуллари ҳақида ўйлашга ундайди.

Мазкур буклет сизга қуйидагиларни тақдим этади:

- малакадаги модулларни тақдим этиш учун йўриқнома
- малакадаги модуллар устида ишлаш учун тавсия этилувчи ресурслар
- бутун малака бўйлаб барча модулларда қамраб олинadиган мавзулар, тадбирлар ва баҳолашларни кўрсатувчи иш схемаси
- модуллардаги маълумотни қандай тақдим этиш тўғрисидаги батафсил йўриқномани ўз ичига оладиган дарс режалари

Ушбу ресурс буклетидаги маълумот малакалар учун материалларни яратиш билан боғлиқ бўлган ўқитувчилар томонидан тўпланган, шунинг учун улар ВТЕС малакаларининг янги ва жалб этадиган усулларини излашнинг муаммоларини тушунадилар.

Мазкур буклетдаги ўқитиш бўйича йўриқнома сизга малакани тақдим этишни режалаштиришдаги эътиборга олинishi лозим бўлган маълумотни беради. Унда қуйидагилар ҳақида маълумот берилган:

- малакангизнинг тузилмаси
- ўқувчиларингиз учун малакани қандай белгилаб беришингиз мумкинлиги;
- тегишли иш берувчилар билан қандай боғланишингиз ҳақидаги таклиф;
- бошқа қўллаб-қувватлаш ва имконли ресурслар тўғрисида маълумот.

Биз сизга индивидуал қўлланма тақдим этмоқдамиз. У ўқув мақсадларига ва модул таркибига бўлган ёндашувлар ҳақида таклифларни ҳамда қизиқарли ва турли хил машғулотлар учун ғояларни ўз ичига олади. Сиз шунингдек, унда ўз топшириқ ва вазифаларингизни қандай режалаштириш ва бажариш тўғрисида маслаҳатлар ва ғояларни топишингиз мумкин.

Биз ҳар бир модул учун диққат билан саралаб олинган ресурслар рўйхатини киритдик. Ушбу ресурслар рўйхатига ўқувчиларингиз фойдаланиши учун ва/ёки ўзингиз ўқитишда қўшимча материал сифатида фойдаланишингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеолар киритилган.

5-модул: Веб-иловалар учун маълумотлар базасини ишлаб чиқиш

Ўқув қўлланма

Модул билан танишиш

Модул ўқувчиларга мижоз талабларига жавоб берувчи веб-илова яратиш тамойилларини тушунишга ёрдам беради. У шундай иловаларни ишлаб чиқиш, синаш ва кўриб чиқишга эътибор қаратади.

Ўқувчилар веб-иловларни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш, синаш ва текшириш учун (модул таркибида келтирилган) инструментлар ва методлардан фойдаланишга имкон берувчи дастурий ресурсларга эга бўлишлари керак. HTML, CSS, JavaScript, Bootstrap ва шу кабиларни интерфейсга мисол бўлади. Серверга мисоллар мос операцион тизим, веб-сервер, малумотлар базаси, дастурлаш тили ва веб-ишлаб чиқиш инфраструктурасини қамраб олади.

Ўқитувчи бир қатор сценарийларни ва маълумотлар тўпламини ишлаб чиқиши керак. Улар ўқувчилар томонидан ўзларининг кўникмаларни ривожлантириш учун баҳлоашга тайёрлаш жараёнида ишлатилади. Вазифалар варағи ҳам ушбу сценарийлар ва маълумотлар тўплами, масалан, яратиш зарур бўлган саволлар асосида ишлаб чиқилиши керак.

Энг яхшиси А ва В таълим мақсадлари қуйида баён қилинганидек бирлаштирилишидир.

“А” таълим мақсадлари учун ўқувчилар реляцион маълумотлар базасига диққат қаратишлари керак. Улар реляцион маълумотлар базасини моделлаштиришнинг катта амалиётини олиш мақсадида маълумотлар сценарийлари ва тўпламларини ўрганишлари керак. Ўқувчилар реляцион маълумотлар базаларини моделлаштириш билан боғлиқ ҳужжатларни тайёрлашларига ишонганларидан сўнггина маълумотлар базаси тузилмасини ишлаб чиқишга ўтишлари керак бўлади. Маълумотлар базаси тузилмасини лойиҳалаштириш учун ўқувчилар ўз маълумотлар базасини моделлаштириш асосида ҳар бир сценарий учун жадвал дизайнини тузишлари керак.

Ўқувчилар маълумотлар базасини ишлаб чиқишга ишонганларидан сўнг улар маълумотларни бошқариш учун SQLдан фойдаланиш ва маълумотлар базаларини яратишни амалда синатувчи “В” таълим мақсадларини ўрганишга ўтадилар. Ўқувчилар реляцион маълумотлар базасида тўлиқ ишлай ола бошлагач “А” таълим мақсаларига қайтадилар.

Эътибор қаратиш керак бўлган кейинги жиҳат бу интерфейс дизайнидир. Ўқувчилар аллақачон 3-модулдаги мижоз лойиҳаларини билладилар ва яратадилар. Бу модул ўқувчиларнинг текшириш ва тасдиқлашнинг мижоз процедураларини ишлаб чиқишларига асосланади. Бу маълумотлар базасига қурилган текшириш процедурасидан ташқаридир. Ўқувчилар бу процедураларнинг тавсифи учун алгоритмлардан фойдаланадилар. Улар, шаунингдек, SQL дизайнини қандай аниқлашни ҳам билиб оладилар.

Ўқувчилар веб-илова яратишда фойдаланиш мумкин бўлган хавфсизликни таъминлаш методларини кўриб чиқадилар. Ушбу даражада веб-иловага методларни киритиш мутлақ талаб ҳисобланмайди, лекин ўқувчилар бу методлар ҳақида билишлари керак ва ўз лойиҳаларида улар қаерда ва қандай фойдаланилишини кўрсатишлари керак. “В” таълим мақсадлари учун, олдин эсланганидек, реляцион маълумотлар базасини қуриш ва маълумотларни бошқариш учун SQLдан фойдаланиш “А” таълим мақсадларининг барча босқичлари тугалланишигача ўзлаштирилади.

“А” таълим мақсадлари тўлиқ тугаллангач ўқувчилар сценарий асосида дастурлаш тилидан фойдаланишдаги ўз кўникмаларини ривожлантиришга ўтади. Маълумотлар базаси билан ҳар қандай ўзаро алоқагача ўқувчилар тилдан фойдаланишда ўзларини бемалол ҳис қилиши керак.

Ўқувчилар сценарийлар тилидан фойдаланишни ўзлаштиргач веб-илова саҳифалари дизайни асосида уларнинг интерфейсини ишлаб чиқиш вақти келади. Ўқувчилар аллақачон учинчи модулдаги SS, HTML ва JavaScriptдан фойдаланиш кўникмаларига эга бўладилар. Улар ўз лойиҳалари билан мувофиқ тарзда мижоз ва сервер маълумотлар базалари ўртасидаги ўзаро алоқани ишга солиш мақсадида бу кўникмаларга таянадилар.

“С” мақсадларига эришиш учун ўқувчилар пухта ва ишончли веб-иловларнинг зарурияти ва бунда синовнинг ўйнайдиган роли ҳақида билишлари муҳимдир. Ўқувчиларни ривожланиш мобайнида синовга унданг ва ривожланишга такрорий ёндашув янада баландроқ сифат натижаларига олиб боришини тушунтиринг. Бироқ бу ҳужжатлаштириш зарур бўлган синовнинг якуний босқичидир. Ўқувчилар иш фаолиятини ўтказиш ва текширишда синов режасини тузиш учун синов шаблонидан фойдаланадилар. “D” мақсадларини ўргатиш учун ўқитувчилар ўқувчиларнинг фойдаланувчи ва техник қўлланмаларнинг намуналаридан фойдаланиш имкониятини ва таълим олувчилар турли аудиториялар учун вазифани тўла тушунишларини таъминлашлари керак.

Улар баҳолашга қадар камида битта фойдаланувчи ва битта техник қўлланмани тайёрлашлари керак.

“E” таълим мақсадларига эришиш учун ўқитувчилар амалий веб-иловаларни ишлаб чиқиш жараёнида тақриз бериш ва фикр-мулоҳазани кенгайтиришлари керак. Бу ўқувчиларга веб-илова мижознинг талабларига мос келиш-келмаслигини аниқлаш жиҳатидан ўз кўникмаларига сайқал беришга имкон беради. Шунингдек, уларга баҳолаш ўтказилгунга қадар камида битта амалиёт тадқиқотини тайёрлаш имкониятини беради.

Бутун курс давомида ўқувчиларга тегишли тақризларни беришни унутманг. Ўқувчиларга олинган тақризни ўқиб чиқиш ва тушуниш имконини беринг ва уларни ривожланишнинг муайян соҳасида ташаббус кўрсатишга рағбатлантиринг.

Модулнинг бошланиши

Сизга модулни ўрганишнинг битта усули учун бошланғич нуқта берилади. У спецификацияда келтирилган, тавсия этилган баҳолашга нисбатан ёндашувга асосланган.

5-модул: Веб-иловалар учун маълумотлар базасини ишлаб чиқиш

Кириш

Веб-иловалар кўплаб ташкилотлар томонидан мақсадли аудитория билан ўзаро трансакцияларни бошқариш учун фойдаланилади. Бироқ трансакциялар фақатгина ташкилот зарур маълумотларни ишончли йиғиши ва сақлаши, уларга ишлов бериши ва натижаларни фойдаланувчига самарали тақдим этиши мумкин бўлган ҳолатда самарали бўлади.

Сервер сценарийлари реляцион маълумотлар базасида жойлашган маълумотни сақлаш ва чиқариш учун ишлатилиши мумкин, айти пайта мижоз сценарийларидан (JavaScript ва HTML) фойдаланувчиларга маълумотни тақдим этиш учун фойдаланилиши мумкин. Бу комбинация фойдаланувчига бизнес билан ўзаро ҳаракат қилишга имкон беради, масалан, онлайн-шакллар билан, таркибни бошқариш тизимлари билан, саватчалар билан ва ш.к.

Бу модул реляцион маълумотлар базасига, сервер технологияларига ва веб-илова яратиш учун сервер томонидаги сценарийлардан фойдаланишга бағишланган.

Ўқувчилар веб-иловани қуриш мумкин бўлган, мос “технологик хивчин”ни танлаш ҳақида, интерфейс ва ички лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш ўртасидаги фарқ ҳақида, иш фаолиятини синаш ва уни ҳужжатлаштириш ҳақида, шунингдек, мижознинг эҳтиёжлари қанчалик яхши қондирилгани нуқтаи назаридан дизайн ва якуний веб-иловани қандай кўздан кечириш ҳақида билиб оладилар.

А ўқитиш мақсади – Мижознинг талабларини қондириш учун реляцион маълумотлар базасидан фойдаланадиган хавфсиз веб-иловани ишлаб чиқиш.

- Ўқитувчилар баҳолашга қадар бутун модулда фойдаланиш мумкин бўлган бир қатор сценарийлар ва маълумотлар тўпламларини тайёрлашлари керак. Бу ўқувчиларнинг баҳолаш бошлангунча улар асосида веб-иловани лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш билан танишишларини кафолатлайди.
- “А” таълим мақсади босқичларга бўлиниши мумкин:
 1. Реляцион маълумотлар базаси интерфейси

5-модул: Веб-иловалар учун маълумотлар базасини ишлаб чиқиш

- Бу ўқувчилар бирор бир бошқа модулда дуч келмаган мавзудир. Унга чизиқли ёндашиш керак – сценарийларга асосланган ERDни бошланғич моделлаштириш, маълумотлар тўпламларини нормаллаштириш, якуний ERDга эришиш учун бу икки тамойилни қўшиш. Ўқувчилар ўқитувчилар тайёрлаган сценарийлар ва маълумотлар тўпламлари учун ҳужжатларнинг барча уч турини тақдим этиш мақсадида жуфтликларда/кичик гуруҳларда ишлайдилар. Ҳужжатлар баҳолаш китобидан топилиши мумкин. Улар бу ҳужжатларни сақлашлари керак, чунки ҳар қандай лойиҳавий иш унга асосланади. Ўқувчилар барча сценарийлар учун лойиҳалаштиришни тугаллагач, улар “А” таълим мақсадининг қолган қисмида талаб қилинадиган кўникмаларни ўзлаштиришга қайтишдан аввал реляцион маълумотлар базасини ишлаб чиқишни ўзлаштириб олиш мақсадида “В” таълим мақсадларига ўтишлари керак бўлади.
2. Ташқи интерфейс
- Ўқувчилар “А” таълим мақсадига қайтишдан олдин реляцион маълумотлар базасини қуришни тугаллайдилар. Энди ўқитувчилар саҳифалар дизайнни қандай яратилишини қисқа айтиб беришлари керак. Ўқувчилар улар билан аллақачон таниш бўладилар ва уларни 3-модулда тайёрлашади. Ўқувчилар ўзлари маълумотлар базасида яратган сценарийларнинг ҳар бири учун баҳолаш бўйича иш китобидаги ҳужжатлардан фойдаланиб, саҳифаларнинг лойиҳаларини яратишда амалиёт қиладилар.
3. Интерфейснинг ташқи ва ички ўзаро алоқаси
- Сўнгра ўқитувчилар сервер томонида текшириш ва тасдиқлаш ўтказишларига ҳамда алгоритмлардан (блок-схемалар ва сохта код) фойдаланиб, улар қандай қилиб ишлаб чиқилиши мумкинлигининг намуналарини келтирадилар. Ўқувчилар сценарийлар учун мос процедураларни белгилайдилар ва ё блок-схемалардан, ё шу ёки бошқасининг аралашмасидан сохта коддан фойдаланиб, алгоритмларни ишлаб чиқадилар. Кейин ўқитувчилар ўқувчиларга SQLни ўз лойиҳаларига қандай жорий қилишни тушунтиришлари ва намойиш қилишлари керак. Бу босқичда ўқувчилар аллақачон SQLдан фойдаланишнинг яхши тажрибасига эга бўладилар ва, шундай қилиб, бу даражада ёзма инглиз тилини жорий қилиш мумкинлигига қарамай, улар SQL йўриқномасини ёзиш имконига эга бўлишлари керак.

5-модул: Веб-иловалар учун маълумотлар базасини ишлаб чиқиш

- Ўқувчилар бунгача фойдаланиш мумкин бўлган маълумотлар ва турли методларнинг ҳимояси ҳақида билишлари керак. Дизайн нуқтаи назаридан улар қайси хавфсизлик методларини кўриб чиқиш кераклигини ва улар қандай қилиб жорий қилиниши мумкинлигини кўрсатишлари керак. Ўқувчилар олдинга боришлари ва веб-иловани ишлаб чиқишда уларни жорий қилишлари шарт эмас, масалан, тайёрланган йўриқномалар. Сценарийлар ўзаро алоқанинг кенг доирасини ўзларида жамлаши керак. Масалан, янги ёзувларни қўшиш, ёзувларни таҳрирлаш, ёзувларни ўчириш, бир ва бир неча жадвалларнинг сўрови, бир ва бир қанча ёзувларнинг тасвири, танлаб олиш сўровидан фойдаланиш, сўровлар мажмуаси ва шу кабиларнинг зарурияти. Улар ўқувчиларга ушбу ўзаро алоқа учун энг яхши имкониятларни тақдим этадилар.

В ўқитиш мақсади – Мижознинг талабларини қондириш учун реляцион маълумотлар базасидан фойдаланадиган хавфсиз веб-иловани яратиш.

- “В” таълим мақсади босқичларга бўлиниши мумкин.
- Реляцион маълумотлар базасини ишлаб чиқиш
- Ўқувчилар барча сценарийлар учун реляцион маълумотлар базасини лойиҳалаштиришни тугатгач реляцион маълумотлар базасининг қурилиши ва сўрови билан танишишларига тўғри келади. Ўқувчилар ўзлари яратган лойиҳаларнинг ҳар бири учун реляцион маълумотлар базасини қуришлари керак. У ўзида маълумотларнинг ва текширишнинг бир қатор ҳар хил турларини жамлаган бўлиши керак. Шунингдек, маълумотлар базасига сўровлар амалиёти учун уни сервер томондаги сценарийлар тили ёрдамида ишга туширишдан олдин кўплаб имкониятлар тақдим этилиши керак. Бу босқични тугатгандан сўнг ўқувчилар “А” мақсадини ўрганишга қайтишлари керак.
- Ташқи интерфейсни ишлаб чиқиш
- Ўқувчилар сценарийларнинг ҳар бири учун веб-илова интерфейсини ишлаб чиқишлари керак. Улар буни бажариш учун керак бўлган кўникмаларга аллақачон эга бўлишлари керак. Ўқитувчилар бу кўникмаларни қайтаришлари керак. Интерфейсни ишлаб чиқиш ўзида сервер билан ўзаро алоқани акс эттирмайди.
- Ички ва ташқи ўзаро алоқани ишлаб чиқиш

<p>5-модул: Веб-иловалар учун маълумотлар базасини ишлаб чиқиш</p>
<ul style="list-style-type: none"> • Олдин ёдга солинганидек, сценарийлар янги ёзувларни қўшиш, ёзувларни таҳрирлаш, ёзувларни ўчириш, бир ва бир неча жадвалларнинг сўрови, бир ва бир қанча ёзувларнинг тасвири, танлаб олиш сўровларидаги фойдаланиш, мажмуавий сўровлар ва бошқаларнинг заруриятини қамраб олади. Улар, шунингдек, ўқувчиларга валидация ва текшириш методларини амалда қўллаш имкониятини тақдим этишлари керак. Бу ўқувчиларга мана шундай ўзаро алоқада дастурлашни ўзлаштириш имкониятини беради.
<p>С ўқитиш мақсади – Реляцион маълумотлар базасидан фойдаланувчи веб-илова иш фаолиятини тестдан ўтказиш.</p>
<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчилар аллақачон синов тизимини ўрганмоқдалар ва ишлатмоқдалар. Улар бунини 1, 2 ва 4-модулда қиладилар. Ўқитувчилар синовнинг муҳимлигини ва синов режасини қандай тузиш ҳақида эслатишлари керак. Ўқувчиларга баҳолашга қадар яратилган веб-иловалардан, ҳеч бўлмаса, биттаси учун иш фаолиятини синаш имконияти берилиши керак.
<p>Д ўқитиш мақсади – Реляцион маълумот базасидан фойдаланувчи веб-илова учун фойдаланувчи ва техник ҳужжатларни тузиш.</p>
<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчилар ўқувчиларни ўрганиш зарур бўлган фойдаланувчи ва техник қўлланмалар тўплами билан таъминлаши керак. Улар қўлланмалардан ҳар бирининг муҳимлигини ва улар турли аудиториялар учун мўлжалланганини таъкидлашлари керак. Ўқитувчилар ўқувчиларни тақдимот ўтказиш кўникмаларини ўстириш имконияти билан таъминлашлари керак, масалан, таркибнинг автоматик саҳифаларидан ва сарлавҳалар услубларидан, саҳифаларни автоматик рақамлаш ва шу кабилардан фойдаланиб, уй дизайнини яратиш.
<p>Е ўқитиш мақсади – Веб-иловани кўздан кечириш</p>
<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчилар тақриз ёзиш сеансларини ўтказадилар, модомики, ўқувчилар амалий веб-иловалар яратадилар. а Мижознинг талаблари муҳимлигини таъкидлаш керак бўлади ва веб-илованинг муваффақияти ҳақида муҳокама қилишга тўғри келади. Ҳар бир талаб бажарилдими, агар шундай бўлса, бу қанчалик яхши бажарилди. Агар йўқ бўлса, нима учун йўқ. Ўқувчилар балки барча талабларни бажармагандир, бироқ ўқувчи ўз тадқиқотида ҳалол бўлиши муҳимдир. Ўқувчиларга тақриз бериш ва олишга кўплаб имкониятлар беришга тўғри келади. Шунингдек, уларга баҳолашга қадар, ҳеч бўлмаса, битта тадқиқот ўтказиш имкониятини бериш керак.

Бошқа ВТЕС модулларига ва малакаларига ҳаволалар

Ушбу модул қуйидагиларга ҳавола қилинади:

- 2-модул: Дастурий таъминот таҳлили ва дизайн.
- 3-модул: Веб-сайт яратиш.

Ресурслар

Веб-сайтлар

- <http://www.decipherzone.com/blog-detail/How-to-Choose-The-Best-Technology-Stack-for-Web-App-Development>

Ушбу веб-сайтда “технологик хивчин” ва уни қандай танлаш муҳокама қилинади.

- www.draw.io

Ушбу сайтда блок-схемаларни яратиш учун онлайн-илова мавжуд.

- www.w3schools.com

Ушбу веб-сайт ўқувчиларга HTML, CSS ва JavaScriptни, сервер томондаги сценарийлар тилларини (масалан, MySQL) ўрганишга имкон беради ҳамда уларга интерактив амалий топшириқлар тақдим этади.

- <https://www.youtube.com/channel/UC9-y-6csu5WGm29I7JiwpnA>

Бу кибералмашинув учун YouTube каналдир. Унда SQL-инъекцияларни ва шу кабиларни тушунтирадиган яхши видеолар мавжуд.

- <https://www.codecademy.com/learn/learn-html>

Академия ўқувчиларга кодлашнинг асосларини тушунишга ёрдам бериш учун текин курслар ўтказади. Кейинги босқичга ўтишдан олдин тугалланиши керак бўлган интерактив ҳаракатлар мавжуд. Ҳар бир бобнинг охирида тушунганликни текшириш учун баҳолаш мавжуд.

- www.csszengarden.com

CSS Zen Garden сайти сайт дизайнига қўлланилиши мумкин бўлган CSS шаблонлари намуналаридан таркиб топган. Сиз ўқувчиларга веб-сайт макетининг турли услубларини ва уларга CSS ёрдамида қандай қилиб эришиш мумкинлигини кўрсатиш учун ундан фойдаланишингиз мумкин.

Pearson ҳар қандай ташқи интернет-сайтларининг таркиби учун жавобгарлик олмайди. Ўқитувчилар учун ҳар бир веб-сайтни синфда фойдаланишдан олдин URL-манзилнинг аввалгидек аниқ, долзарб ва ўринли эканлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида кўриб чиқиш муҳимдир. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларга ҳаволаларни қўшишни ва ўқувчиларга бу сайтларга мактаб/университетнинг ички тармоғи орқали уланишни таклиф қилишларини тавсия этамиз.

Иш схемаси

Модул	5-модул: Веб-иловалар учун маълумотлар базасини ишлаб чиқиш
Ўқув соатлари	120
Дарслар сони	40
Дарслар давомийлиги	3 соат
Бошқа модулларга ҳаволалар	2-модул: Дастурий таъминот таҳлили ва дизайн. 3-модул: Веб-сайт яратиш.

Ўрганиш учун калитлар			
БМ	Баҳолаш машқалари	ММ	Материални мустаҳкамлаш
ТЭС	Таклиф этилган спикер	Т	Ташриф
МЎ	Мустақил ўқитиш	ИТ	Иш тажрибаси

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	<p>Модулга кириш.</p> <p>А3 маълумотларни моделлаштириш ва реляцион маълумотлар базаси.</p> <ul style="list-style-type: none"> Моҳиятлар муносабатлари диаграммаси (ERD (Entity Relationship Diagram)). 	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> Ўқитувчи тақдимоти/намойиши: Ўқувчиларни модул билан таништириш. Маълумотлар базасидан маълумотларни сақлаш ва ишлов бериш учун фойдаланилиши сабабларини тушунтириш. Кичик гуруҳларда машқлар: Гуруҳлар фойдаланиладиган маълумотлар базаларини ва фойдаланилмайдиган, лекин, ўйлашларича, таркибида ўзлари ҳақида маълумотлар мавжуд маълумотлар базаларини муҳокама қиладилар. Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Маълумотлар базасисиз ҳаётнинг аниқ бир соҳа учун таъсирини муҳокама қилиш, масалан, полиция учун. Кичик гуруҳларда машқлар: Ҳар бир гуруҳ маълумотлар базасисиз ҳаётнинг бирор соҳа учун таъсирини муҳокама қилади. Масалан, таълим, ўйинлар, ижтимоий тармоқлар, соғлиқни сақлаш, кутубхона, ҳукумат. Кейин ўқувчилар ўз фикрларини синфга тақдим этадилар. Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: Икки ўлчовли файллар (бир жадвалли)дан иборат маълумотлар базаларини ва улар билан боғлиқ муаммоларни кўриб чиқиш. Жуфтликда бажариладиган машқлар: Жуфтликлар икки ўлчовли файлларнинг маълумотлар базасидаги вазибаларни бажарадилар. Сўнгра жуфтликлар синфдаги муҳокамага жавобларини улашадилар. 	<p>Маркер тахтаси ва хатолар ҳақидаги ҳисоботни таққослаш учун маъруза плакатлари.</p> <p>Тақдимотлар ва ўқитувчининг қайдлари</p> <p>Кейс-стади</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчининг тақдимоти: Асосий функцияларни тақдим этувчи реляцион маълумотлар базаларининг ва улар қандай қилиб икки ўлчовли файлларнинг маълумотлар базаларидаги муаммоларни енгиллаштиришини кўриб чиқиш. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: Моҳиятлар муносабатлари диаграммаси (ERD (Entity Relationship Diagram)). • Жуфтликда бажариладиган машқлар: Ҳар бир жуфтлик бир қатор сценарийлар учун дастлабки ERDларни бажарадилар. Кейин жуфтликлар синфдаги муҳокамага жавобларини улашадилар. 	
2-3	<p>А3 маълумотларни моделлаштириш ва реляцион маълумотлар базаси.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Нормаллаштириш. 	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: Нормаллаштириш жараёнини кўриб чиқиш. • Ўқитувчи бошчилигидаги намойиш: Нормаллаштирилмаган маълумотлар қандай қилиб биринчи нормал шаклга (1NF) мос келишини намойиш қилиш. • Кичик гуруҳларда/жуфтликларда бажариладиган машқ: Ўқувчилар жуфтликларга бўлинадилар. Ҳар бир жуфтлик бир қатор сценарийлар учун 1NFни тугаллайди. Кейин ўқувчилар буни синфда муҳокама қилади. 	<p>Маркер тахтаси ва хатолар ҳақидаги ҳисоботни таққослаш учун маъруза плакатлари.</p> <p>Тақдимотлар ва ўқитувчининг қайдлари</p> <p>Матнларга ишлов бериш дастурий таъминотига эга компьютер</p> <p>Тугалланган бошланғич ERD</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги намойиш: 1NF маълумотлари қандай қилиб иккинчи нормал шаклга (2NF) мос келиши мумкинлигини намойиш қилинг. • Кичик гуруҳларда/жуфтликда бажариладиган машқ: Ўқувчилар жуфтликларга бўлинадилар. Ҳар бир жуфтлик бир қатор сценарийлар учун 2NFни тугатади. Кейин ўқувчилар буни синфда муҳокама қилади. • Ўқитувчи бошчилигидаги намойиш: 2NF маълумотлари қандай қилиб учинчи нормал шаклга (3NF) мос келиши мумкинлигини намойиш қилинг. • Кичик гуруҳларда/жуфтликда бажариладиган машқ: Ўқувчилар жуфтликларга бўлинадилар. Ҳар бир жуфтлик бир қатор сценарийлар 3NFни яқунлайди. Кейин ўқувчилар буни синфда муҳокама қилади. • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар сценарийлар қатори бўйлаб тўлиқ нормаллаштиришни тугаллайди. 	<p>Бутун модулда фойдаланиш мумкин бўлган веб-илова сценарийлари</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
4	<p>А3 маълумотларни моделлаштириш ва реляцион маълумотлар базаси.</p> <ul style="list-style-type: none"> Якуний ERD. 	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама/намойиш: Бошланғич ва якуний ERD ўртасидаги фарқни муҳокама қилинг ва ERD ҳамда 3NF дастлабки натижалари асосида якуний ERD қандай яратилишини намойиш қилинг. Кичик гуруҳларда/жуфтликда бажариладиган машқ: Ўқувчилар жуфтликларга бўлинади. Ҳар бир жуфтлик ўзлари ўтган дастлабки ERD ва 3NF асосида якуний ERDни тугаллайди. Кейин ўқувчилар буни синф билан муҳокама қилади. 	<p>Маркер тахтаси ва хатолар ҳақидаги ҳисоботни таққослаш учун маъруза плакатлари.</p> <p>Тақдимотлар ва ўқитувчининг қайдлари</p> <p>Матнларга ишлов бериш дастурий таъминотига эга компьютер</p> <p>Тугалланган бошланғич ERDлар, тугалланган нормаллаштириш</p> <p>Бутун модулда фойдаланиш мумкин бўлган веб-илова сценарийлари</p>
5-6	<p>А3 маълумотларни моделлаштириш ва реляцион маълумотлар базаси.</p> <ul style="list-style-type: none"> Маълумотлар базасининг тузилиши. 	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: Жадвалларни лойиҳалаштириш, SQL номлаш қоидалари, маълумотлар турлари, Калитни кўрсатиш ва майдонларни текширишни кўрсатиш бўйича ҳужжатлаштириш вазифасини кўриб чиқиш. 	<p>Ўқитувчининг тақдимотлари ва қайдлари</p> <p>Матнларга ишлов бериш дастурий таъминотига эга компьютер</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: маълумотларнинг ҳар хил турларини муҳокама қилиш ва улардан қачон фойдаланиш кераклигига мисоллар келтириш. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама/намойиш: Текширишнинг ҳар хил турларини ва улардан қачон фойдаланиш кераклигини муҳокама қилиш. Ҳар бир текшириш қандай қилиб жадвални расмийлаштириш ҳужжатида ёзилишини намойиш қилинг. • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар ўзлари тўлдирган якуний ERD учун жадвал тузадилар. Кейин ўқувчилар буни синф билан муҳокама қиладилар. 	<p>Тугалланган якуний ERDлар</p> <p>Бутун модулда фойдаланиш мумкин бўлган веб-илова сценарийлари</p>
7-8	<p>A1 Технологик хивчин.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ички ёки сервер операцион тизими. <ul style="list-style-type: none"> ○ Операцион тизим; ○ веб-сервер; ○ маълумотлар базаси. 	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот: Технология хивчинининг ички жиҳатларини кўриб чиқиш. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама/намойиш: Маълумотлар базаси қандай яратилишини кўрсатиш. • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар ўзлари ишлаб чиққан жадваллар учун маълумотлар базаларини яратадилар. 	<p>Ўқитувчининг тақдимотлари ва қайдлари</p> <p>Жадвалнинг тўлдирилган лойиҳавий ҳужжатлари</p> <p>Интернетга уланган компьютерлар, маълумотлар базасининг танланган дастурий таъминоти, танланган веб-сервер</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
	В2 реляцион маълумотлар базаси тузилиши.			Бутун модулда фойдаланиш мумкин бўлган веб-илова сценарийлари
9-11	<p>В3 ички ва ташқи интерфейсни ишлаб чиқиш.</p> <ul style="list-style-type: none"> Иккилик киритиш каби маълумотларни текшириш, масалан, солиштириш йўли билан паролни киритишда хатонинг йўқлиги. SQL (DML) маълумотларни бошқариш тилидан фойдаланиб маълумотларни ишлаб чиқиш. 	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама/намойиш: Танлов саволлари муҳокамаси ва намойиши. Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар ўзлари яратган маълумотлар базаларидаги саволларни тузадилар. Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама/намойиш: Статистик функциялар саволларининг муҳокамаси ва намойиши. Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар ўзлари қурган маълумотлар базаларидаги статистик функцияларнинг саволларини тузадилар. Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама/намойиш: Ҳисоб-китоб саволларининг муҳокамаси/намойиши. Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар ўзлари қурган маълумотлар базаларидаги ҳисоб-китоб саволларини тузадилар. Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама/намойиш: Шартли саволлар муҳокамаси ва намойиши Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар шартли саволларни тузадилар. 	<p>Ўқитувчининг тақдимотлари ва қайдлари</p> <p>Ўқувчилар ишлаб чиққан маълумотлар базалари</p> <p>Интернетга уланган компьютерлар, маълумотлар базасининг танланган дастурий таъминоти, танланган веб-сервер</p> <p>Бутун модулда фойдаланиш мумкин бўлган веб-илова сценарийлари</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама/намойиш: Параметрлар саволлари муҳокамаси ва намойиши • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар параметрлар саволларини тузадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама/намойиш: Қўшиш, янгилаш, ўчиришни ўз ичига олган ҳолда ҳаракатлар саволлари муҳокамаси ва намойиши. • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар ҳаракатлар саволларини тузадилар. 	
12-15	<p>A1 технологик хивчин.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ташқи ёки мижозга оид • A2 Саҳифа дизайни <p>B1 Веб-илованинг ташқи интерфейсини яратиш.</p>	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама/намойиш: Ўқувчилар аллақачон веб-саҳифалар лойиҳалари ҳақида билишлари керак. Саҳифа лойиҳаси таркиби муҳокамаси ва намойиши йўли билан такрорлаш. Маълумотларга ишлов бериш лойиҳаси муҳокамаси. • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар маълумотларга ишлов бериш учун, веб-илова учун дизайнни ўз ичига олган ҳолда саҳифалар лойиҳаларини тайёрлайдилар. • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар веб-саҳифа яратиш учун зарур бўлган интерфейс билан ишлаш кўникмаларига аллақачон эга бўлишлари керак. Кўникмаларни муҳокама ва намойиш қилиб такрорлаш. 	<p>Ўқитувчининг тақдимотлари ва қайдлари</p> <p>Матнларга ишлов бериш учун/(агар саҳифалар лойиҳалари электрон кўринишда тайёрланган бўлса) энг керакли нашриёт тизимларининг дастурий таҳминоти</p> <p>Танлаб олинган мижоз ПО</p> <p>Бутун модулда фойдаланиш мумкин</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар ўзлари яратган бир ёки бир қанча маълумотлар базаси учун веб-илова интерфейсини яратадилар. 	бўлган веб-илова сценарийлари
16	<p>A4 маълумотларни ишлаб чиқиш дизайни.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Киритишни текшириш. • Маълумотларни текшириш. • Ўринли жойларда алгоритмлардан фойдаланиб ҳужжатлаштириш. • SQL (DML) маълумотларни бошқариш тилидан фойдаланиб маълумотларни ишлаб чиқиш. 	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама/намойиш: Ўқувчилар алгоритмларни қандай яратишни аввалги модуллардан билишлари керак. Ўқитувчи яқун чиқаради. • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар текшириш/тасдиқлаш процедураси намойиши учун алгоритмларни бажаради. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: SQL ишлаб чиқиш ва дизайн ўртасидаги фарқни муҳокама қилинг. • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар бир қатор SQL операторлари учун SQL лойиҳаларини тугаллайдилар. 	<p>Ўқитувчининг тақдимотлари ва қайдлари</p> <p>Матнларга ишлов бериш учун дастурий таъминотга эга компьютер/блок-схема дастурий таъминоти</p> <p>Саҳифаларнинг тугалланган лойиҳалари ва саҳифалар</p> <p>Бутун модулда фойдаланиш мумкин бўлган веб-илова сценарийлари</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
17–21	<p>A1 технологик хивчин.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Веб-ишлаб чиқишнинг ички ва сервер платформаси. <p>V3 Мижоз ва сервернинг ўзаро алоқасини ишлаб чиқиш.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Дастурлаш тили. • Маълумотларни текшириш. • Маълумотларни текшириш. • Хавфсизликни ишлаб чиқиш. 	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама/намойиш: Дастурларни танланган тилда, танланган ишлаб чиқиш муҳитида ва танланган интерфейсида қандай қилиб яратишни муҳокама ва намойиш қилинг. • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар мижоз веб-иловаси ва сервер маълумотлар базаси ўртасидаги ўзаро алоқани яратадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама/намойиш: Маълумотларни қандай қилиб ҳимоя қилиш мумкинлигини муҳокама ва намойиш қилинг. • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар хавфсизликни таъминлаш методларини ишлаб чиқадилар. 	<p>Ўқитувчининг тақдимотлари ва қайдлари</p> <p>Ўқувчиларнинг сервер маълумотлар базалари</p> <p>Ўқувчиларнинг саҳифаси мижози</p> <p>Ўқувчиларнинг интерфейс ўзаро алоқаси ишлаб чиқиши</p> <p>Бутун модулда фойдаланиш мумкин бўлган веб-илова сценарийлари</p>
22	<p>C1 синов режасини тузиш.</p> <p>C2 веб-илованинг иш қобилиятини текшириш.</p>	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама/намойиш: Веб-илованинг иш фаолиятини текшириш учун синов режаси таркиби муҳокамаси ва намойиши. 	<p>Ўқитувчининг тақдимотлари ва қайдлари</p> <p>Ўқувчиларнинг сервер маълумотлар базалари</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар ўзлари ишлаб чиққан веб-иловалардан бирини текшириш учун синов режасини тузадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама/намойиш: Веб-илованинг иш фаолиятини синовдан ўтказиш ва натижаларни ҳужжатлаштиришни муҳокама ва намойиш қилиш. • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар ўзларининг текшириш режаси ёрдамида веб-иловани синайдилар ва натижаларни ҳужжатлаштирадилар. 	<p>Ўқувчиларнинг саҳифаси мижози</p> <p>Синов режаси шаблони</p> <p>Бутун модулда фойдаланиш мумкин бўлган веб-илова сценарийлари</p>
23–24	D1 фойдаланувчи ёки техник қўлланмани яратиш	Мў	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама/намойиш: Фойдаланувчи қўлланмасининг мақсади ва таркибини муҳокама қилиш. • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар ўзлари ишлаб чиққан веб-иловалардан бири учун фойдаланувчи қўлланмасини яратадилаар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама/намойиш: Техник қўлланманинг мақсади ва таркибини муҳокама қилиш. • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар ўзлари ишлаб чиққан веб-иловалардан бири учун техник қўлланмани яратадилар. 	<p>Ўқитувчининг тақдимотлари ва қайдлари</p> <p>Ўқувчиларнинг сервер маълумотлар базалари</p> <p>Ўқувчиларнинг саҳифаси мижози</p> <p>Бутун модулда фойдаланиш мумкин бўлган веб-илова сценарийлари</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
25	E1 веб-иловани кўриб чиқиш	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Веб илованинг мақсадларга мос келишини, унинг кучли томонларини ва ҳар қандай эҳтимолий яхшилаш чораларини ўз ичига олган ҳолда веб-илова таҳлили усулларини муҳокама қилиш. Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар ўзлари яратган веб-иловалардан бирини текширишни тугаллайдилар. 	<p>Ўқитувчининг тақдимотлари ва қайдлари</p> <p>Ўқувчиларнинг сервер маълумотлар базалари</p> <p>Ўқувчиларнинг саҳифаси мижози</p> <p>Бутун модулда фойдаланиш мумкин бўлган веб-илова сценарийлари</p>
26–28	A таълим мақсади Баҳолаш.	БМ	<ul style="list-style-type: none"> Кириш: Баҳолашнинг асосий талаблари, муддатлар ва топширишни ажратиб кўрсатган ҳолда баҳолаш бўйича 1-вазифани беринг (баҳолаш учун иш дафтарига қаралсин). Мустақил баҳолаш машқи: Баҳолаш учун иш дафтарида фойдаланиб, ўқувчилар 1-вазифани бажаришлари керак. 	<p>Интернетга уланган компьютерлар</p> <p>Баҳолаш учу ниш дафтари</p>
29–34	B таълим мақсади Баҳолаш.	БМ	<ul style="list-style-type: none"> Кириш: Баҳолашнинг асосий талаблари, муддатлар ва топширишни ажратиб кўрсатган ҳолда баҳолаш бўйича 2-вазифани беринг (баҳолаш учун иш дафтарига қаралсин). Мустақил баҳолаш машқи: Баҳолаш учун иш дафтарида фойдаланиб, ўқувчилар 2-вазифани бажаришлари керак. 	<p>Интернетга уланган компьютерлар</p> <p>Технологик хивчин</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
35–36	С таълим мақсади Баҳолаш.	БМ	<ul style="list-style-type: none"> Кириш: Баҳолашнинг асосий талаблари, муддатлар ва топширишни ажратиб кўрсатган ҳолда баҳолаш бўйича 3-вазифани беринг (баҳолаш учун иш дафтарига қаралсин). Мустақил баҳолаш машқи: Баҳолаш учун иш дафтарида фойдаланиб, ўқувчилар 3-вазифани бажаришлари керак. 	Интернетга уланган компьютерлар Технологик хивчин Баҳолаш учун иш дафтари
37–39	Д таълим мақсади Баҳолаш.	БМ	<ul style="list-style-type: none"> Кириш: Баҳолашнинг асосий талаблари, муддатлар ва топширишни ажратиб кўрсатган ҳолда баҳолаш бўйича 4-вазифани беринг (баҳолаш учун иш дафтарига қаралсин). Мустақил баҳолаш машқи: Баҳолаш учун иш дафтарида фойдаланиб, ўқувчилар 4-вазифани бажаришлари керак. 	Интернетга уланган компьютерлар Технологик хивчин Баҳолаш учун иш дафтари
40	Е таълим мақсади Баҳолаш.	БМ	<ul style="list-style-type: none"> Кириш: Баҳолашнинг асосий талаблари, муддатлар ва топширишни ажратиб кўрсатган ҳолда баҳолаш бўйича 5-вазифани беринг (баҳолаш учун иш дафтарига қаралсин). Мустақил баҳолаш машқи: Баҳолаш учун иш дафтарида фойдаланиб, ўқувчилар 5-вазифани бажаришлари керак. 	Интернетга уланган компьютерлар Технологик хивчин Баҳолаш учун иш дафтари
37–40	В таълим мақсади Амалиётни баҳолаш.	МЎ/БМ	<ul style="list-style-type: none"> Кириш: Ўқувчиларга, уларни В таълим мақсадларини якуний баҳолашга тайёрлаш мақсадида, кейинги тўрт дарс мобайнида улар амалий баҳолашдан ўтишларини тушунтиринг. Баҳолаш машқи: Ўқувчилар якуний баҳони аниқлаштирадиган амалий баҳолаш ишидан ўтишади. 	Ўрнатилган IDE муҳитига эга компьютерлар Амалий баҳолаш иши Синов режаси шаблони

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Эслатма: <i>фойдаланилган баҳолаш иши тузилмага ўхшаш якуний баҳолашга мос келиши керак ва айти талаблар бўйича баҳоланиши керак. Бироқ фойдалинилган баҳолаш методи мазкур модулни финал баҳолашда фойдаланиладиган метод билан мос келмаслиги керак.</i> 	

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 4-даража Дастурий таъминот ишлаб чиқиш соҳаси бўйича малакалар
Модул	5-модул: Веб-иловалар учун маълумотлар базасини ишлаб чиқиш
Дарс рақами	1 (3 соат)

Дарс мақсадлари	<p>Дарс охирида ўқувчилар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • маълумотлар базасидан фойдаланишнинг турли усуллари тушунадилар; • объектлар муносабатларининг бошланғич жадвалларини (ERD) тузиш имконига эга бўладилар.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<p>Хатолар ҳақидаги ҳисоботларни таққослаш учун маркер тахтаси ва маъруза плакатлари.</p> <ul style="list-style-type: none"> • МР модулга кириш бўйича тақдимот. • МР икки ўлчовли файллар маълумотлар базаси билан ишлаш учун иш варақлари. • Кейс-стади (дарсларни баҳолашга қадар фойдаланиш мумкин бўлган веб-иловалар сценарийлари). • МР ERD дастлабки иши учун вазифалар варақлари.
Калит: МР : Машқлар рўйхати; ФС : Форма шаблони; ТС : Тақдимот слайди.	

Машқлар	Ўқитувчи қайдлари
<p>Модулга кириш (10 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчининг тақдимот/муҳокама: Модулга кириш. Маълумотларни сақлаш ва ишлаб чиқиш учун фойдланиш мумкин бўлган маълумотлар базаси дастурий таъминоти бўйича эҳтимолий сабабларни тушунтиринг: <ul style="list-style-type: none"> ○ базадаги маълумотларни осон сўраш (саволлар бериш) мумкин; ○ маълумотларни қидириш мумкин; ○ маълумотларни боғлаш мумкин; ○ аҳамиятли ҳисоботлар тузиш мумкин; ○ маълумотларнинг жуда катта тўплamlарини ишлаб чиқиш мумкин; ○ маълумотлардан бир неча фойдаланувчи фойдаланиши мумкин.
<p>Маълумотлар базасидан фойдаланиш (15 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Кичик гуруҳларда машқ: Гуруҳлар ўзлари фойдаланадиган ва фойдаланмайдиган, лекин ўзлари ҳақида маълумотлар мавжуд деб ҳисоблайдиган маълумотлар базаларини муҳокама қилади.
<p>Маълумотлар базасисиз ҳаёт (10 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи билан муҳокама: Аниқ бир соҳа учун маълумотлар базасисиз ҳаётнинг таъсириини муҳокама қилинг, масалан, <ul style="list-style-type: none"> ○ полиция; ○ таълим; ○ ўйинлар; ○ ижтимоий тармоқлар; ○ соғлиқни сақлаш; ○ кутубхона; ○ ҳукумат.
<p>Маълумотлар базасисиз ҳаёт (15 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Жуфтликда бажариладиган/кичик гуруҳларда машқлар: Маълумотлар базасисиз ҳаётнинг турли соҳаларга таъсириини муҳокама қилинг, масалан, таълим, ўйинлар, ижтимоий тармоқлар, соғлиқни сақлаш, кутубхоналар, ҳукумат.

Машқлар	Ўқитувчи қайдлари
